

3.5 Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган микдордаги маҳсулотни етказиб бермаса ёки «Ташкилот» нинг сифатсиз маҳсулотларини алмаштириб бериш хакидаги талабларини бажармаса белгиланган тартибда кушимча келишувга асосан бекор килиниши мумкин.

4 МАҲСУЛОТЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1 Шартноманинг умумий киймати: 91 000 000 сум. (Туксон бир миллион сум 00 тийин) ташкил этади. Олинган маҳсулотлар учун туловлар «Ташкилот» томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.2 Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг беш банк иш кунида «Ташкилот» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи» нинг хисоб ракамига утказиб беради.

Колган охирги 70% изи «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар хисоб-варак фактуралари асосида 90 кун ич ида утказиб беради.

4.3 «Ташкилот» томонидан 30% изи олдиндан тulos амалга оширилгандан сунг «Таъминотчи» З банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда маҳсулотларни «Ташкилот» га етказиб беради.

4.4 Нархлардаги хар кандай узгаришлар шу жумладан бозор нархларининг узгариши хом ашё ва материаллар нархларидаги узгаришлар, конун хужжатларида белгиланган энг кам иш хаки микдорининг узгариши ёки бошкалар сабабли маҳсулотлар баҳосининг узгариши тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбулар тугрисида шартномага кушимча келишув киритилади.

5 МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1 «Таъминотчи» етказиб бериладиган маҳсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

5.2 «Ташкилот» сифат ва яроклик сертификатлари булмаган маҳсулотларни кабул килмайди.

6 МАҲСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ

6.1 Маҳсулотни кабул килишда «Ташкилот» уни микдори, сифати, ассортименти ва руйхатини «Таъминотчи» томонидан берилган маҳсулот етказилганлигини тасдиқловчи хужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2 Маҳсулотни кабул килиш якуни буйича «Ташкилот» кабул килиш далолатномасини тузади. Ташкилот томонидан далолатноманинг имзоланиши кабул килинаётган маҳсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7 ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

7.1 «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1- булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни маҳсулот етказиб бериш муддатларини кечикириб юборса, тулик етказиб бермаса кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пеня суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

«Таъминотчи» томонидан жунатилган маҳсулотларга оид тulos ва маҳсулот етказиб берилганлиги тугрисидаги бошқа хужжатлар уз вактида, яъни маҳсулот билан бирга «Ташкилот» га такдим этилмаса хар бир холат учун етказиб берилаётган маҳсулот кийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулайди.

7.2 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар уз вактида ва белгиланган талаблар асосида етказаиб берилганда “Ташкилот” уларни асоссиз равишда кабул килмаса, кабул килинмаган маҳсулотнинг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган маҳсулотлар буйича 10 фоиз микдорида жарима тулайди.